



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI  
130500 Do'stlik shahri, Armasoy shoh ko'chasi.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RI SIDA  
HUQUQIY XULOSA  
№ 1471**

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma
2. **Loyihaning nomi:** 03/M-sonli pudrat shartnomasi.

**Loyihaning mazmuni:** Do'stlik tumani Xalq ta'limi bo'limi mudiri Z.Ortiqova va «GREEN UNIVERSAL TRADE» MCHJ rahbari S.Yakubov o'rtasidagi 25.03.2022 kungi qiymati 452,624,820 (to'rt yuz ellik ikki million olti yuz yigirma to'rt ming sakkiz yuz yigirma) so'mlik 03/M-son 4-son umumiy o'rta ta'lim maktabim joriy ta'mirlash to'g'risidagi pudrat shartnoma loyihasi.

3. **Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot:** Do'stlik tumani Xalq ta'limi bo'limi tomondan 2022-yilning 25-mart kuni ishlab chiqilgan.
4. **Loyiha kelib tushgan sana:** 2022-yil 25-mart kuni Markazga elektron tizim orqali yuridik xulosa olish maqsadida taqdim etilgan.
5. **Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq.**

Markazning yuridik xulosa bergan xodimi loyihaning moliyaviy tomonlariga javobgar emas!

**Markaz boshlig'i,  
2-darajali yurist**



**U.A.Abdiyev**  
26.03.2022 yil

## № 03/М-сонли пудрат шартномаси

Дустлик туман

“25“ март 2022 йил

Дустлик тумани ХТБ (кейинги уринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан бюджет асосида фаолият юритувчи рахбари **З.Ортиқо ва GREEN UNIVERSAL TRADE MCHJ** кейинги уринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият рахбари **С.Якубов** мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига кура мазкур шартноманинг 1.2.-бандида курсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги уринларда “Ишлар” деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**Дустлик тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 4-сон мактаб биносида жорий таъмирлаш учун**

Курсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил « 10 » март га қадар пудратчига зарурий лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и миқдорида бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тулик ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

### 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида курсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йул қуйган булса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни куриклаш буйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

#### 3.2. Пудратчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида курсатилган ҳақ тулаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

#### 3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида курсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини куриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида курсатилган ҳисоблашишлар тартиби буйича ишлар учун ҳақ тулаш.

#### 3.4. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тулаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тулаши ҳам шарт.

#### **4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ**

4.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда "Томонлар" коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

4.2 "Томонлар" коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки телефон орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш кунини мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

#### **5. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби**

5.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **452 624 820 (Тўрт юз эллик икки миллион олти юз йигирма тўрт минг саккиз юз йигирма) сўм** маблағни ташкил қилади.

5.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тулаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

#### **6. Тарафларнинг жавобгарлиги**

6.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида туламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тулайди.

6.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

6.4. Неустойка тулаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

#### **7. Форс-мажор ҳолатлари**

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

#### **8. Низоларни ҳал этиш тартиби**

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят ҳужалик судида қўриб чиқишга топширадилар.

#### **9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сустркашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада курсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 10. Яқуний қондалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

## 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Ижрочи»

**GREEN UNIVERSAL TRADE MCHJ**

(Пудратчи ташкилот номи)

Манзил: Дўстлик тумани Навроз МФЙ

Х/Р 2020 8000 6006 9240 7001

Банк: Қишлоқ қурилиш банк Жиззах филиали

СТИР: 304 437 092

МФО: 00139

ОКОНХ:

«Буюртмачи»

**Дўстлик туман Халқ таълими бўлими**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Дўстлик тумани У.Носир кўчаси 15 уй

ш/х\* 100022860082157092100075023

Банк номи: Тошкент ш Марказий банк Бош

Бошқармаси

МФО: 00014 СТИР: 200999341

ОКОНХ:

Дўстлик туман Ғазначилик бўлимаси

Ўз.Рес. Молия вазирлиги ягона Ғазна ҳисоб варағи

Ғазна х/в: 23402000300100001010

МФО: 00014

Ғазначилик бўлимаси СТИРи: 201 122 919



Раҳбар  
(яъвозим)

ИМЗО

С.Якубов  
(Ф.И.Ш)



Раҳбар  
(яъвозим)

ИМЗО

З.Ортиқова  
(Ф.И.Ш)



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Дўстлик тумани халқ таълими  
бўлими мудири  
З.Ортиқова  
« 25.3.2022 » 2022 йил.

Дўстлик туман халқ таълими бўлимига қарашли бюджет маблағлари ҳисобидан лойиҳа смета ҳужжатлари асосида Дўстлик халқ таълими бўлимига қарашли 4-мактабни жорий таъмирлаш танлов ўтказиш комиссиясининг

**ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ № 01**

25.03.2022 йил

Дўстлик тумани.

**Кун тартиби:**

Ахборот парталига жойлаштирилган эълон тўғрисида маълумот

1. Эълон берилган сана: 12.03.2022 йил
  2. Берилган эълон тартиб рақами: 22110012051504
  3. Буюртма предмети: Дўстлик туман халқ таълими бўлимига қарашли 4-мактабни жорий таъмирлаш
  4. Ўлчов бирлиги: объект
  5. Бирлик нархи: сум
  6. Берилган миқдори: 1
  7. Эълон берилиш нархи: 456 624 820
- Дўстлик туман халқ таълими бўлимига қарашли 4-мактабни жорий таъмирлаш.

Дўстлик туман халқ таълими бўлимига қарашли 4-мактабни жорий таъмирлаш, ишлари бўйича 2 кун мобайнида комиссия аъзоларига ва Дўстлик тумани халқ таълими бўлимига ҳеч қандай шикоят ва эътирозлар келиб тушмади. «GREEN UNIVERSAL TRADE» МЧЖ томонидан Дўстлик туман халқ таълими бўлимига қарашли 4-мактабни жорий таъмирлаш, бўйича тақдим этилган таклифни энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилган ва бу талабгор танлов ғолиби деб топилган.

М.Кувондиқов-

Э.Хамраев -

Д.Давлетов-

А.Зиёдуллаев-

И.Абдугаффоров-